Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 69 (7.458) ◉ 1991 йил 11 апрель, пайшанба ◉ Нархи 12 тийин



Ҳамид Ҳасанов ҳамда Виктория Черненколларнинг номини «Ўзбекбирлашув»га қарашли Тошкент савдо-сотиқ ускуналари заводида ҳурмат билан тилга олишади. Бу фахрий ишчилар қариб 20 йилдан бери ўз ишларига садқидилдан ёндошиб келишяпти.

СУРАТЛАРДА: (чапда) Ҳамид Ҳасанов ва Виктория Черненколар.

Тўлқин Каримов суратлари.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Шонли сана — Тошкент трамвайининг 90 йиллиги муносабати билан самимий ва қизғин муборакбод этамиз.

Шу йиллар давомида тор кўчалардан оҳиста одимлайдиган конкалардан бугун шаҳарнинг шоҳ кўчалари бўйлаб елиб борадиган тез юрар, барча қулайликлар бўлган трамвайлар қатнайдиган давргача улкан йўл босиб ўтилди. Электр транспорти ҳунармандлар устахонасидан халқ хўжалигининг замонавий тармоғига айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон пойтахтини трамвайсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар йили миллионлаб йўловчилар унинг хизматидан фойдаланмоқда.

Шаҳардаги бошқа меҳнат жамоалари қатори Тошкент трамвайчилари ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш мураккабликларига дуч нелдилар. Бошқарманинг кўп минг кишилик жамоаси кўпдан-кўп муаммолар — мамлакатнинг турли бурчаклари, хорижий мамлакатлардан олинадиган янги техника, эҳтиёт қисмлар билан таъминотдаги қийинчиликларга қарамасдан тошкентликларнинг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжларини умуман қондирмоқдалар. Жумҳурият ҳукумати Тошкентда электр транспортини ривожлантириш, бошқарма жамоасининг кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий вазифаларини ҳал этиш учун зарур чораларни кўрмоқда. Кейинги пайтларда бошқарма ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган муҳим қарорлар бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Шуниси қувонарлики, бошқарманинг ёшлари жамоангизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттирмоқдалар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан электр транспорти ходими нуфузини улуғламоқдалар, беқарор давримизнинг мураккаб шароитларида трамвай ва троллейбусларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаётирлар.

Тошкент трамвайининг 90 йиллик юбилейи шаҳар тарихида муҳим воқеадир. Бизнинг атроф-муҳитга зарар етказмайдиган транспортнинг бу тури янада тараққий этишига ишончимиз комил. Биз сизнинг юксак касб маҳоратингизга ва ўн йилликлар синовидан ўтган мастаҳкам анъаналарга ишонамиз!

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ.

20 апрель— жумҳурият ҳашари

ЎЗ ЭҲТИЁЖЛАРИГА

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий қўмитаси ҳамда республика меҳр-шафқат жамғармасининг бутун юртдошларимизга қилган мурожаатномасидан руҳланган шаҳримиздаги Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикаси тикувчилари ҳам умумхалқ ҳашарига якдиллик билан чиқишга қарор қилдилар.

— Корхонамиздаги 670 ишчи ва хизматчиларнинг асосий ўз иш жойларида самарали меҳнат қилишга аҳд қилишди, — дейди фабрика директори Васила Мирзамуҳамедова. — Бу ишни асосан ишчиларимиз амалга оширишади. Муҳандис-техник ходимларимиз эса корхона атрофида ободонлаштириш ишларини олиб борадилар. Шу куни фабрика атрофи тозаланиб, кўчатлар ўтқазилади. Мавжуд дарахт ва гулзорларнинг таги юмшатилиб, тартибга келтирилади.

Ғулом ЮСУПОВ.

МАНЗИЛИМИЗНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНЛАР

ТОШКЕНТ трамвайи ўзининг 90 йиллигини байрам қилмоқда. Халқимиз уни энг ишончли транспорт воситаси деб бежиз атамаган. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз? Автобус ҳайдайдиган ҳайдовчининг бирор юмуши чиқиб қолиши ёки автобуси бузилиб қолиши мумкин. Шунда у ўзи қатнайдиган йўналишда бўлмай қолиши мумкин. Лекин изда юрадиган трамвай ҳақида бундай фикрни айтолмаймиз. Трамвай соз бўлса асло бошқа ёққа кетиб қолмайди; белгиланган йўлдан юриб аҳолининг манзилини яқин қилаверади. Бу борада Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг 2-трамвай депоси фидойиларининг иши ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Улар ўз ҳаётларидаги катта сана — Тошкент трамвайининг шонли 90 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Бунда ҳар доим бўлганидек, депо меҳнат фахрийлари ҳиммати каттадир. III даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг соҳиблари Ғ. Сулаймонов ва Э. Топиловлар (юқоридаги сурат) ана шундайлардан биридир. Депода уларнинг номларини фахр ва ифтихор билан тилга олишади. Комсомол аъзоси Ориф Шоҳидов ҳам (пастдаги сурат) ҳамшаҳарларимиз манзилини яқин қилаётган ҳайдовчилардан ҳисобланади.

Маълумки, йўлга чиқадиган трамвайлар қанчалик соз бўлса ҳайдовчининг иш унуми ҳам шунчалик кўнгилдагидек бўлади. Яъни вагонга чиққан йўловчиларнинг манзиллари яқин бўлади. Пастдаги суратда йўлга шай қилиб қўйилган трамвайлар тасвирланган.

Ҳуллас, 2-трамвай депосида бўлган пайтимизда илғор ҳайдовчилар билан яқиндан танишишдан ташқари уларга яратилаётган қулайликлардан ҳам хабардор бўлдик. Дарҳақиқат, бу ерда инсон омилига муҳим эътибор берилмоқда. Қаерда оддий меҳнаткашга қулайликлар яратилса шу жамоада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам салмоқли бўлади. Буни депо жамоаси қўлга киритаётган ютуқлардан яққол кўриш мумкин.

Мана, навбатдаги иш куни ҳам тугади. Бир гуруҳ ёшлар эса спорт майдонлари томон ошиқдилар. Футбол ишқибозлари эса машғулотларга киришдилар. Бундай машғулотлар депо ҳудудида олиб борилади. Бу ҳам ёшларга яратилган қулайликлардан биридир. Ваҳоланки бундай қулайликлар бу ерда бир талай. Улар ҳақида ҳам ҳикоя қилишни режалаштирганмиз.

Рустам ШАРИПОВ суратлари.

ШОДИЁНАЛАР БОШЛАНДИ

...1901 йил. Тошкентликлар отлар судраб бораётган ажабтовур вагонга ҳайратланиб қарашади. Бу воқеадан хабардорлар тилида ҳали унчалик тушунарли бўлмаган «конка» сўзи.

Ушанда шаҳар кўчалари бўйлаб 11 километр узунликда от-вагон юрадиган темир йўл ётқизилган эди. «Тошкент трамвайи» жамияти ихтиёрида ҳар бири 24 йўловчини оладиган 30 та вагон, 288 от бор эди. Кейинроқ эса хорждан моторлар ва тиркама вагонлар келтирилди.

Бугун эрталаб шаҳримиз ўтмишининг ўша гувоҳларини Алишер Навоий номидаги майдон ёнидан ўтадиган трамвай йўлларида кўриш мумкин эди. Тошкент трамвайининг 90 йиллигига бағишланган шодиёналар худди шу ерда бошланди. Карнайсурнай электр транспорти ходимларини, тошкентликлар ва меҳмонларни Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрига чорлади. Бу ерда унутилмас санага бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Тошкент трамвай маъракаси қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари байрам концерти қўйиб бердилар.

Бу шодиёналар 14 апрелгача давом этади. Маъракага келган меҳмонлар Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси корхоналари фаолияти билан танишадилар. Тошкент трамвайининг 90 йиллигига бағишлаб халқ сайиллари ўтказиш ҳам мўлжалланган.

ТАЛАБАЛАРГА ИЖТИМОИЙ КАФОЛОТ

Партия ва совет идоралари, вазирликлар ва маҳкамалар раҳбарларининг Ўзбекистон пойтахтидаги олий ўқув юртлари ва техникумларида таълим олаётган талаба ёшлар ва уларни ўқитаётган профессор-ўқитувчилар билан учрашувларида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари муҳокама этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, моллар ва хизматларга нархнинг оширилиши, стипендияларнинг кўпайиши ва имтиёзли тарзда овқатланиш учун махсус талонлар берилиши муносабати билан компенсация тўлаш тартиби масалалари ўртага қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. А. Абдувосиқов, К. Ю. Юсупов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, «Шарқ юлдузи» ойномасининг бош муҳаррири Ў. Ҳошимов талабалар билан суҳбатлашдилар. (ЎзТАГ).

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

АЪЛОЧИЛАР УЧУН

ИТТИФОҚ ва республика ҳукуматининг талабаларга берган имтиёзларига Тошкент автомобиль йўллари илмгоҳида яна бир қулайликни қўшиб қўйишди. Бу илмгоҳда таҳсил кўриб ётоқхоналар ҳамда хусусий уйларда ижарага турувчилар учун эрталабки нонушталар текин қилиб қўйилди.

— Талабаларнинг имтиёзли тарздаги бундай овқатланиши учун маблағларни Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги ажратди, — дейди Тошкент автомобиль йўллари илмгоҳининг ректори, профессор С. П. Пўлатов. — Бу мақсадлар учун вазирлик эллик минг ажратди. Республика Автомобиль транспорти ва автомобиль йўллари вазирликлари коллегиясининг қарорига кўра ўқишда алоҳида ўрнак кўрсатган 60 талабанинг ҳар бирига ойига 100 сўмдан стипендия тўланадиган бўлди. Товон тўлаш билан қўшиб ҳисоблаганда бу рақам 160 сўмни ташкил этади. Илмгоҳни битиргандан сўнг ана шу вазирликларга қарашли у ёки бу корхонада ишлаш истагида бўлган ҳар бир талабага уларнинг оладиган стипендиясига яна 30 сўм қўшиб бериш тўғрисидаги масалани ҳам шу вазирликлар ҳал этмоқда.

Тармоқ корхоналари ва ташкилотлари учун муҳандис кадрлар тайёрлаш бўйича шартномаларни имзолаш юзасидан ҳам илмгоҳ катта ишларни амалга оширмоқда. Бу нарса ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича шартнома асосида ўқиётган талабаларнинг сафини кенгайтиришга, энг муҳими эса амалий иш стажидан келиб чиққан ҳолда олинадиган стипендиянинг ҳажмини 25 фоиздан 50 фоизгача оширишга имкон беради. Ўз куч-ғайратлари ва имкониятларини сафарбар этиб, ўқишда аъло кўрсаткичларга эришаётганлар учун унинг миқдори бир ярим бараварга ҳам ошиши мумкин. Республика иқтисодиёти муҳим ва етакчи тармоғи бўлгуси ишлаб чиқариш командирларининг билим олишга бўлган интилишларини рағбатлантириш мақсадида бу илмгоҳда В. И. Ленин номидаги олтита стипендия берилади. Бундай стипендия товон тўлаш билан 190 сўмни ташкил этади. Яна илмий кенгашнинг уча стипендияси ва касаба уюшмасининг битта стипендияси ҳам берилади. Бу стипендияларнинг миқдори 150 сўмни ташкил этади. Эндиликда энг кам стипендия 120 сўмни ташкил қилмоқда, шартнома асосида ўқиётганлар учун эса у 195 сўмдир. Демак, илмгоҳда таълим олаётган ва ётоқхоналарда яшаётган талабалар учун стипендия жамғармаларидан текин нонушталар ташкил этилганлиги, ҳукумат жамғармаси ҳисобига текин кечки овқатлар уюштирилаётганлиги ҳисобга олинса талабалар бозор иқтисодиёти шароитида ҳимояга олинганлиги кўзга ташланади. Республика Савдо вазирлиги ва умумий овқатланиш бошқармаси билан биргаликда карточка орқали талабалар оладиган маҳсулотларни марказлаштирган ҳолда тушки овқат бериш муаммосини ҳал этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ғамхўрлик уларни имтиёзли овқатлантириш ва стипендиялари ҳажмини ошириш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Наврўз байрами кезларида талабалар учун 200 ўринли ихтисослашган ошхона очилди, 6-ётоқхона қошида бўфет ташкил этилди, 150 ўринли саломатлик ва дам олиш маскани фойдаланишга топширилди, унга йўлланмалар текинга берилади. Ҳар йили 2 минг нафаргача талаба бу ерда дам олиб саломатлигини мустаҳкамлайди.

МАТБУОТ МАРКАЗИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

10 апрель куни Алишер Навоий юбилейини ўтказиш жумҳурият матбуот марказининг йиғилиши бўлди. Унда марказнинг иш тартиби ва унинг аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

1991 йил Навоий йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан буюк алломанинг бой ижодий меросидан аҳоли кенг табақаларини хабардор қилиш мақсадида матбуот конференциялари, илмий анжуманлар, учрашувлар ўтказиб туришга, теле кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлашга келишиб олинди.

Навоийнинг республикамиз вилоятларида, қардош жумҳуриятларда, Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказиладиган 550 йиллик юбилейи тантаналарини кенг ёритиш йўллари белгиланди.

Йиғилишда чет мамлакатларда ўтаётган Навоий кунлари билан жумҳуриятимиз аҳолисини, бу борадаги ишларимиз билан эса ажнабий дўстларимизни хабардор қилиб туриш тадбирлари ҳам кўриб чиқилди.

Буюк алломанинг юбилейи жумҳуриятимиз маданий ҳаётида ғоят катта аҳамиятга молик воқеадир. Бу борадаги фикр, таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги телефонлар орқали маълум қилишингизни сўраймиз: 33-16-22, 39-80-90, 44-32-33, 41-03-52. (ЎзТАГ).

1991 йил— Ўзбекистонда Алишер Навоий йили



ТО

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида шу йил 20 апрелда ўтказиладиган ҳашар тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қондаларини тасдиқлаш, уларни рўйхатга олганлик учун йиғиладиган тўлов тартиби ва уларнинг миқдори тўғрисида» қарор қабул қилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 9 апрелда бўлиб ўтган Федерация Кенгашида 17 мартда ўтказилган СССР референдуми якунлари, республикалар ўртасидаги иқтисодий шартномалар бажарилишининг бориши муҳокама этилди. Кенгашда М. С. Горбачев мамлакатни танглиқдан олиб чиқиш дастурини баён қилди.

● Грузияда давлат мустақиллиги тўғрисида декларация қабул қилинди.

● Тожикистон Президентининг Фармони билан дам олиш куни 14 апрелдан 16 апрелга — рўза ҳайитига кўчирилди.

● Кеча Европа чемпионлари кубоги учун ярим финал мусобақасининг биринчи учрашувида Москванинг «Спартак» командаси Франциянинг «Марсель» клубига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйди.

ХОРИЖДА

● Исроил Яқин Шарқдаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари бўйича АҚШ, Совет Иттифоқи ва араб мамлакатлари иштирокида минтақа анжуманини ўтказишга розилик билдирди.

● СССР Президенти Японияга расмий сафари тугагандан сўнг 19 апрелда Жанубий Корея Президенти Ро Дэ У билан учрашади.

БИРИНЧИСИ БЕЛЬГИЯДАН

Бундан саккиз юз йил муқаддам, 1896 йил ноябрда Тошкент шаҳар маҳкамаси «Сосьете женераль де бельжик» пайчиларк билан «Тошкент трамвайи» жамиятини тузиш тўғрисида шартнома имзолаган эди. Ушанда йўловчилар ташиш учун пўлат излар қуришни бельгияликлар томонидан жаноб Эдуард Денн ўз зиммасига олган эди. 1901 йил март ойида эса Тошкентда икки йўналиш бўйича отлар судраб борадиган трамвайлар ҳаракати очилди.

Тошкент трамвайининг 90 йиллиги маъракасига кўпгина меҳмонлар қаторида Бельгиянинг биродарлашган Кортрейк шаҳридан ҳам делегация келди. Унинг таркибида Бельгия — Канада «Бомбардиёр» қўшма фирмасининг бош директори Симон Р. Остра ҳам бор. У «Оқшом» муҳбирининг бир неча саволларига жавоб беришга илтифот билан рози бўлди.

— Жаноб Остра, Бельгияда трамвайлар борми! Шаҳар транспортида улар қандай ўрин тутади!

— Мамлакатимизда тўртта — Антверпен, Брюссель, Гентда ҳамда Бельгиянинг шимолий соҳилларида трамвай тармоқлари мавжуд. Умуман бутун мамлакат бўйича 400 та трамвай ҳаракатда. Афсуски, 50-йилларда биз кўпгина трамвай йўналишларида автобуслар қатновини ташкил этгандик. Бугунга келиб электр транспорти қатновини кенгайтириш зарурлигига тобора ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Чунки у атроф-муҳитга зарар етказмайди, йўловчиларга яхши хизмат кўрсатиш имконини беради. Ҳозирнинг ўзида қатор автобус қатновларини трамвайлар билан алмаштиришга киришмоқдамиз.

— Фирмангиз хорижий мамлакатларга ҳам трамвай етказиб берадими!

— Ҳа, биз трамвай вагонлари ва уларга керакли жиҳозларни экспорт қиламиз. Бугунги кунда биз Лондон, Амстердам, Таога билан шартномалар имзолаганмиз. Шуниндек, АҚШнинг Аризона штатидаги Портленд шаҳрига ҳам трамвай вагонлари етказиб берияпмиз. Ўйлаймизки, Тошкент трамвайчилари билан бундан 90 йил муқаддам бошланган ҳамкорлигимизни янада кенгайтирамиз.

— Тошкент трамвайчиларининг бугунги шодиёна кунларида уларга қандай истаклар билдириш ниятидасиз!

— Биз Ўзбекистон пойтахтининг электр транспорти ходимлари кўпончли санани нишонлаётган пайтда Тошкентда эканлигимиздан ғоят мамнунмиз. Ҳамкасбларимизга энг яхши истаклар билдириш билан бир қаторда ўзаро фойдали ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдорлигимизни билдирмоқчиман, бизнинг фирмамиз ишлаб чиқараётган трамвай вагонлари Тошкентнинг пўлат изларидан орқали ҳам елиб юришига умид қиламиз.

Суҳбатдош Эътибор АББОСОВА.

Футбол

ҒАЛАБА НАШИДАСИ

«ПАХТАКОР» ўзининг «Локомотив» билан ўйинига қатнашиш тайёргарлик кўргани шубҳасиз эди. Тўғрисини айтганда, ғалабани кутавериб чарчаган ишқибозларни кун бўйи ёмғир ёғиб майдоннинг яроқсиз ҳолга келгани ҳам, ёш ҳужумчимиз Р. Галиевнинг жароҳат олгани туфайли ўйинда қатнаша олмаслиги ҳам қизиқтирмасди. Қолаверса сафардаги уч ўйин олдидан «Пахтакор» ўзини руҳан тиклаб олиши учун ҳам ғалаба зарур эди. Бундан ташқари жамоанинг энг тажрибали ўйинчиси Х. Оганесян ўзининг олий лигадаги 300-ўйинида майдонга тушди.

Кучли ёмғир остида фақатгина энг ашаддий мухлисларгина ўйингоҳга ташриф буюришди. Командамиз ҳаракати ёмон эмасди, фақатгина ҳал қилувчи дақиқаларда ўйинчиларимизга бир озгина аниқлик етишмасди, холос. Биринчи бўлим дуранг натижа билан тугагандан сўнг, ўз-ўзимга савол бердим: «Наҳотки, яна яшил майдонни икки очко ололмай тарк этсак!». Танаффус пайтида талабчан, қаттиққўл Ф. Новиковнинг насиҳатлари кор қилди шекилли, иккинчи бўлим жамоамизнинг ҳужумлари билан бошланди. Дастлаб В. Бунтов дарвозабон Х. Биджиев билан яккама-якка чиқиб тўпни дарвозага аниқ йўллай олмади. Шу вазиятнинг ўзида «Пахтакор» кетмакет икки марта бурчакдан тўп тепди. Натижа йўқ эди, бироқ вазият тўп дарвозага киритилишини тақозо этарди. «Локомотив» эса қалтис қаршиҳужумлар уюштирарди. Шундай вазиятлардан бирида фақатгина Г. Денисовнинг моҳирлиги туфайли тўп бўш дарвозага кирмади. Ўйин тақдири 63-дақиқада ҳал бўлди. М. Қосимовнинг бурчакдан чиқариб берган тўпини И. Шкванин боши билан уриб дарвоза тўрига туширди. Охирги дақиқаларда эса Х. Оганесянинг кучли зарбасини дарвозабон ушлаб қололмади, тўпга етиб келган В. Бунтов эса уни дарвозага аниқ йўллай олмади. Ҳар ҳолда майдонда командамиз яхши ҳаракат қилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўйин 1:0 ҳисобида «Пахтакор» ғалабаси билан тугади. Уринбосарлар учрашувида ҳам ёш футболчиларимиз 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

РЎЗНОМА — МУШТАРИЙ — РЎЗНОМА

Сиз ушбу суратда Тошкент «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёш ишчиларидан Наргиза Насриддинова, Зулфия Раҳимова, Маъмура Миржалилова ва Саодат Қосимоваларни кўриб турибсиз. Бу ишчилар ёш бўлишига қарамай, ўз режа ва топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этишмоқда.

Ҳаким Солиҳов сурати.

Ҳар олти дақиқада

Қизил шарқчилар троллейбус манзилгоҳи жамоаси ҳамшаҳарларимизга троллейбус хизматини яхшилаш мақсадида 9-маршрут йўлини М. Горький шоҳ кўчасидан «Болалар дунёси»гача узайтирдилар. Ҳозирда 12 та «ЗИУ—9» кўринишидаги юмшоқ ўринли машиналар «Шимоли-Шарқ» — «Болалар дунёси» оралиғидаги 20,3 чақирим масофани 35 минутда босиб ўтаяпти.

Янги маршрутда 35 та бекат мавжуд, машиналар орасидаги тафовут 6 дақиқа.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Тилга эътибор...

Чироқ излаб юришибди

Муқимий ва Герцен кўчалари . кесишувида 30-китоб дўкони очилганига бир йилдан ошди. Аммо кўпинча эшигига қулф осилган ҳолда кўрамиз. Кейинги вақтда «Темурнома», Навоий асарлари мажмуаси, «Қиссаи Рабғузий», Яссавий ҳикматлари каби халқимиз маънавий равнақи учун зарур китоблар нашр этилди.

Ишхонамиз яқинида китоб дўкони бўла туриб, биз бошқа жойлардан сарсон бўлиб, китоб ахтаришга мажбур бўлдик.

Бундан ташқари дўкон пештоқига «Китоблар» — «Книги» деб икки тилда пешлавҳа ўрнатилган. Ваҳоланки, давлат тили ҳақидаги Қонунда пешлавҳалар (жой номи) ягона ўзбек тилида ёзилиши уқтирилган-ку! Тошкент шаҳар китоб савдо идорасидаги ўртоқлар (бошлиқ Виселкова)нинг эътиборсизлиги боис шаҳримиздаги деярли барча китоб дўконларида на тартиб бор, на тил ҳақидаги Қонунга риоя қилиш бор. Бунга мисол қилиб, Ш. Руставели кўчасидаги «Техник китоблар» дўконини айтиш мумкин. Бу дўконда асосан китоблар рус тилида, дўкон пештоқига ҳам фақат русча қилиб «Техническая книги» деб ёзиб қўйилибди. Тил ҳақидаги Қонунимиз қабул қилинганлигига бир ярим йил бўлди. Наҳотки, зиё тарқатувчи жойда ҳамон чироқ излаб юришибди?

Ҳ. ТОЛИПОВА,
меҳнат фахрийси.

Жавобни қаранг

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуни қабул қилинганлиги ўзбек тилида сўзлашувчи барча фуқароларни севинтирмай қолмади. Демак, Қонун бор, эндиги гал уни амалга оширишда... Аммо... Гапни мухтасар қилиб, бизни ажаблантирган воқеага ўз муносабатимизни билдирмоқчимиз.

Яқинда гўзал Тошкент шаҳримизнинг сергавжум 1 Май кўчасидаги савдо расталари қаторида «Дилшод» номли ошхона очилди. Жуда ҳам шинам қилиб безатилган бу емакхона хўрандаларда яхши таассурот қолдирмоқда. Тайёрланаётган таомларнинг сифати ҳам ҳозирча кўнгилдагидек.

Лекин емакхонага киришингиз билан қулоқни кар қилгудек баланд овозда таралаётган чет эл ва эстрада мусиқаси аксарияти хўрандаларнинг таъбини хира қилмоқда. Биз бу ерга неча марта, куннинг қайси пайтида кирмайлик, шу ҳолга қайта-қайта дуч келаверамиз. Шу кунгача бирор марта ўзбекча қўшиқ янграганининг гувоҳи бўлганимиз йўқ. Ахири, қаҳва сотаётган йигитга «Укажон, бирорта ўзбекча қўшиқми, мусиқами қўйиб қўйсанглар бўлмайдими?» деб сўрадик, у «Бу ер «Молодежное кафе», шунинг учун чет эл мусиқасини қўямиз» деб жавоб берди ва ўзбекча қўшиқ ва мусиқалар йўқлигини айтди. Жавобни қаранг!

Хуллас, емакхонанинг номи — ўзбекча, таомлар — миллий, қўшиқлар эса..

О. ЮНУСОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги республика ўқув-методика марказининг методисти.

Муштарий хабар беради...

Пишиқ ғиштдан қолишмайди

Жумҳуриятимиз Президенти Фармонига биноан аҳолига уй-жой қуриш, томорқа учун ер берилмоқда. Кишилар бу ерда уй-жой қурмоқдалар, экин-тикин экмоқдалар. Шу муносабат билан қурилиш материалларига, шу жумладан ғиштга бўлган талаб ошиб кетди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган ғиштлар ҳажми етарли эмас. Шу туфайли баъзи жойларда хом ғишт ҳам ишлатилади. Аммо хом ғишт тезда увалиниб кетади, пишиқ эмас. Шуни ҳисобга олган махсус йўл ишлаб чиқариш бирлашмаси «Тошкент ободончилиги» лабораториясида хом ғиштнинг янги хили яратилди. Бу ғиштнинг сувга турғунлиги 160 марта, пишиқлиги эса 3—4 марта юқори. Оғирлиги эса 1 килограммдан кам. Бу ғиштни марказлашган усулда ишлаб чиқариш ва узоқ жойларга ташиш имконияти бор. Бундай ғиштлар давлат ва шахсий қурилишларда кенг ишлатилиши мумкин. У пишиқ ғиштни тежашда ва қурилиш материалларини мўл-кўл қилишда катта аҳамиятга эга.

З. УСМОНОВ.

...танқид қилади

Лой ва ифлос

3 март куни соат тушга яқин 9 ва 10-йўналишда қатнайдиган трамвайларга чиқдим. 9-маршрутдаги 2013-трамвайнинг салонига қараб бўлмас эди: ичи ювилмаган, лой, ҳар хил писта, папирос пўчоқлари тўла. Трамвай янги бўлса, бир ҳафта ўтмай шу ҳолга тушиб қолибди-я! 10-маршрутдаги 1525 рақамли трамвайга ҳам чиқиб, кўнглим таскин топмади. Салон ифлос, ўриндиқлар чанг, лой, кўриб кўнглинг хира тортади. Шу ҳам аҳолига хизмат кўрсатишми?

Ш. ОЛЛОБЕРГАНОВ.

...ҳайрон бўлади

Аҳмад Донской ким?

Яқинда хизмат юзасидан Тошкентда бўлдим. Кўчаларни айланиб бир нарсага ҳайрон қолдим. Бир кўчага Аҳмад Донской номи берилибди. Бу кўрсаткични кўриб ҳайрон бўлдим. Балки мен адашаётгандирман. Лекин Аҳмад Донской ким ўзи? Билолмайман...

Б. МАТБОБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология илмгоҳи катта илмий ходими.

Луқма

Бир оғиз ширин сўз...

Таниқли адиб Ёқубжон Шукуров ҳам шундай деб ёзган: «Ҳаётда одамга нисбатан ҳурматсиз бўлишдан, кўнгилни оғритишдан оғир жиноят йўқ, зероки одам — олам зийнатидир».

Бу сатрларни 6 февраль куни тушдан сўнг Октябрь районидаги 3627/106-омонат касса филиалида рўй берган воқеадан сўнг ёдга олдим. У ерга ўз жамғармамга пул ўтказиш учун кириб, ғоят ранжиб чиқдим. Навбатда ўнтача одам бор эди. Мен ҳам навбатга турдим. Мендан кейин ҳам одамлар кўпайиб кетди. Сабаби, бир кассир ва иккита янги ўрганаётган шогирди бор эди. Бу орада соат 16 га яқинлашиб қолди. Ходима «Кассани ёпаман» деб туриб олди. У ҳатто бақира кетди: «Бу ерда биз ишлаяпмиз. Сизларга ўхшаган бекорчи эмасмиз...»

Шу ҳам гап бўлдими! Бу қайси мантиққа тўғри келади? Мен бир кун аввал навбатчиликда туриб, эртасига 12.30 гача ишлаб, сўнг кассада 1 соату 30 минут турсамда, мени қабул қилишмаса? Қаёққа бориб додимни айтай? 1,5 соат бекор турсангизу асабингиз бузилмайдими? Ахир шу кассир қиз «Бошқа навбатга турманглар, биз улгурмаймиз» деб бир оғиз ширин сўз билан айтса осмон узилиб ерга тушармиди? Қани инсонга, одамларга ҳурмат. Мендан кейин турганлар ҳам илтимос қилишди. Аммо у касса эшигини шарақлатиб ёпиб, бизни ҳайдагандан баттар қилди.

Д. ЮСУПОВА,
1-шаҳар клиник касалхонасининг шифокори.

«Кеп қолинг, ёғли патир!»

Нон ортилган аравачани судраб келган ўспиринни одамлар ўраб олишди. Бироқ бирпасда тарқалиб, ҳаратлашишга тушиб кетишди. Аравачага яқинлашиб, нонни қўлимга олдим. Харидорларнинг норозилиги ўринли эди. Қора навли (1 килограмми 24 тийинли) ундан ёпилган оддий нон, нархи 1 сўм. Илгарилари бу ундан ёпилган нон бозорда онда-сонда учрарди. Энди бўлса...

—Нега 24 тийинлик ундан ёпилган нонинг нархи бир сўм ука? — саволга тутдим.

— 26 тийинлик унни топиш қийинлашди. Иннайкейин бу нон эмас ака, патир.

— Ҳўв, укам, ҳаддингдан ошиб кетдиларинг. Сенларни тергайдиган одамнинг ўзи йўқ, — гапга аралашди мўйловдор йигит, — мен ҳам нонвойлик қилганман. Инсоф биланда, патирга ёғ, сут қўшиларди. Битта патир учта-тўртта оддий нонга тенг келарди. Нархи 50—60 тийиндан ошган эмас.Бу «патир» аранг бир яримта нонга тенг келади. Оддий хамирдан қилинган. Ёғ билан сутни гапирмай кўя қолай. Тағин «ёғли патир» деб жар солганига ўлайми?

Ўзбекистон ҳукумати жумҳуриятда ун маҳсулотлари нархини оширмасликка қарор қилди. У аввалги нархда сотилмоқда. Нега бозорда нон камчил ва қиммат бўлиб кетди? Уша мўйловдор йигитнинг айтишига қараганда бир қопи 19 сўм турадиган ундан нонвойлар 200—210 сўм атрофида даромад қилишар экан. Бир кунда икки қоп унни ишлатишаркан. Майли, шахсий даромад меҳнат эвазига келади, насиб этсин. Лекин нонинг нархи ўз-ўзидан, сунъий равишда юқорига ўрлаб кетишини қандай тушунмоқ керак? Балки бозордаги нонвойлар нишини бошқариш, уларга ун маҳсулотларини топишда ёрдамлашиш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларини ўз устига оладиган Тошкент шаҳар нонвойлар касаба иттифоқи тузилса қандоқ бўларкин! Нонинг нархи ҳам бир қолипда бўлармиди ўшанда!

Муҳаммад ҲАМРОЕВ.

Ия, наҳотки?!.

Имонингиз борми?

Дам олиш куни рўзғор ташвиши билан шаҳримиздаги Октябрь деҳқон бозорига тушдим. Одам гавжум. У-бу сотаётганларнинг оғзи тинмайди, қий-чув...

Оҳиста ёйма китоблар сотаётган мўйсафид кишига яқинлашдим. Кўзим ялт этиб, 1990 йили «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган Раҳим Жуманиёзов ва Олим Мирзаевларнинг давлат нархи 24 тийинлик «Алифбо» китобига тушиб қолди. Бу китобни бир неча кун илгари менга А. Икромов ноҳиясидаги 341-болалар боғчасида хизмат юзасидан бўлганимда эсдалик учун беришганди. Ажабо, бозорда шу «Алифбо» китобнинг орқа жилди олиб ташланиб, нақд 2 сўмдан сотилаётган бўлса?!.

Ахир, бу китоб сотувчида имон борми? Наҳотки, 24 тийинлик китобни 2 сўмга пуллаб мўмай даромад орттириш савоб бўлса? Наҳотки, миллий тилимизни тарғиб қилувчи китобларни чайқаётганларни назорат қилувчилар топилмаса?

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон ССР маданият жамғармасининг матбуот шўъбаси ходими.

Куюнчаклик билан ёзилган

Ёдда қоладиган бўлса

ОИЛАМИЗ билан ойнаи жаҳонинг «Ахборот» кўрсатувини томоша қилаётган эдик, йигит ва қизларга биринчи марта паспорт топширилишига бағишланган тантана ҳақидаги лавҳа эътиборимизни тортди. Ешлар қувонч ва ҳаяжонда эдилар. Уларга паспорт бўлими ходимлари фуқаролик ҳужжатини тантанали равишда топшириб, балоғатга етганликлари билан муборакбод қилдилар.

Шунда 6-синфда ўқийдиган қизим «Ойижон, мен ҳам қачон катта бўлиб, қачон паспорт оларканман?» деб қолди.

— Сен 16 ёшга тўлганингда бундан ҳам каттароқ тантана билан паспорт оласан, — дегандим ўшанда.

Мана шунга ҳам бир неча йил бўлибди. Ҳозирда унутилган анъаналаримиз тикланаётган бир пайтда ҳаётимиздан ўрин олганлари унутилаётганлигига хафа бўлиб кетасан киши. Улар қаторига ёшларга илк маротаба паспорт топшириш маросимини киритиш мумкин. Ўз ҳаётида унинг фуқаролик шахсидан далолат берувчи асосий ҳужжатини тантанали равишда қабул қилиб олса, бунинг нимаси ёмон? Ҳозир бундай тантаналар у ёқда турсин, ҳатто биринчи марта паспорт олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга келган ёшларга ҳеч қандай эътибор ҳам йўқ. Бир амаллаб ҳужжатларни расмийлаштиргач, «Эрта келинг, индин келинг», деб овора ҳам қилишади.

Марғуба АКРОМОВА,
журналист.

Акс садо

«Бинокор»ни соғиниб»

(«Тошкент оқшоми», 1991 йил 11 февраль)

Рўзномада чоп этилган ушбу мақола бизга ҳам маъқул тушди. Қадимда халқимиз худди хоккейга ўхшаган чим устида човгон ўйнаган. Демак, бу хоккейга яқиндир. Энди замона зайли билан муз устида ўйнаса нима бўлибди? Менимча, ўзбек хоккейини тиклаш керак. Мен бу масалани ҳал этишда, жумҳурият спорт қўмитаси раҳбарлари ўз фикрларини билдиришларини истар эдим.

С. ОБИДОВ,
ҳайдовчи.

Мақолани оиламиз аъзолари билан ўқиб чиқдик. Бизда яхши таассурот қолдирди. Менинг ҳам олтита фарзандим бор, 5 таси ўғил, ҳаммаси спортга иштиёқманд. Аммо шаҳримизда мутасаддиларнинг эътиборсизлиги боис спорт ишлари оқсаб ётибди. Бу аҳвол қачонгача давом этар экан?

Т. ҲАМИДОВА,
меҳнат фахрийси.

«Бинокор»ни соғиниб» мақоласини ўқиб қўлимга қалам олдим. Тошкентнинг «Бинокор» хоккей командасини ва унинг мактабини тиклаш керак. Шунингдек, «Юбилей» спорт саройига ҳам «Бинокор» деб ном берилса айни муддао бўлар эди. Хоккей бу ҳақиқий эркаклар ўйини. Бизда ҳам ана шундай спорт тури бўлишини жуда-жуда истайман.

Д. ШУКУРОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Пойтахтимиздаги «Семург» фирмаси ёш болаларга аталган ўйинчоқлар учун ихтисослаштирилган. Бу ерда ўз ишига сидқидилдан ёндошадиган ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан бири Вера Ивановадир. У қарийб 23 йилдирки, ўзига топширилган режаларини ортиғи билан бажариб келади.

СУРАТДА: илғор ишчи Вера Иванова.

Тўлқин Каримов сурати.

Китоблар оламида

Дастлабки ширкатлар ҳақида

«Ўзбекистон» нашриёти ёш тадқиқотчи Шуҳрат Очиловнинг «Ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар» деган китобини чоп этди. Рисолада мамлакатимиз, хусусан жумҳуриятимиз тарихида инқилобдан сўнг халқнинг ўзини ўзи бошқариш усуллари, ўлкамизда НЭП йилларида куртак ота бошлаган демократиянинг муҳим ва муассасаларидан бўлган «Қўшни» уюшмасининг халқ орасида олиб борган ҳуқуқий-тарғибот борасидаги фаолияти, дастлабки ширкатлар ва уларнинг иши каби қатор муҳим муаммоларга янгича назар билан ёндошилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бу китоб, ҳозирги шароитда ўзининг снёсий ўтмишига бефарқ бўлмаган жумҳуриятимиз фуқароларининг талабини қондира олади, деб ўйлаймиз.

А. ОТАЖОНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Маршрутка»лар кўринмайди»

«Оқшом» рўзномаларининг шу йилнинг 10 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида маршрутдаги таксиларнинг қонунсиз иши танқид қилинган эди. Ана шу танқидий мақола юзасидан Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Р. Ф. Файзуллаев имзоси билан қуйидаги жавоб хати олинди.

— Ҳақиқатан ҳам ўтган йилнинг 29 декабрь куни 2-Қорақамиш даҳасининг 4-мавзесида жойлашган пункт диспетчери З. Асановнинг ўз ишига совуққонлиги натижасида 152-маршрутдаги кичик автобуснинг иш режими бузилган. Бу эса йўловчиларнинг ҳақли эътироз.ларига сабаб бўлган. 3-автопарк маъмурияти буйруғига биноан линия диспетчери З. Асановага қаттиқ ҳайфсан берилди. Давлат рақами 34-89 ТНМ бўлган кичик автобус ҳайдовчиси Т. Нигмоновга ўзбошимчалик билан маршрутдан чиқиб кетганлиги учун ҳайфсан берилди.

Юқоридаги мақола ишлаб чиқариш мажлисида линиялардаги диспетчерлар маршрутли такси ҳайдовчилари ўртасида муҳокама қилинди ва қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хат босилмаса ҳам...

Мослама соз ишлайди

1-Қорақамиш даҳасининг 1-мавзеси 4-А уйининг 24-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро Карамишова муҳаррирятимизга мактуб йўллаб, ана шу мавзедаги 4-а, 5-а, 6-а уйларда электр таъминотида узилишлар содир бўлаётганлиги тўғрисида арз қилган эди. Биз ана шу хатни текшириш ва чора кўриш учун «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент кабель электр тармоқларига юборган эдик. Унинг директори С. Н. Зассеев бизга қуйидаги жавобни йўллабди.

— Биз бориб ўша уйларда текшириш ўтказдик. Шикоятда кўрсатилган фактлар тўғри деб топилди. Ҳақиқатан ҳам «ТП—378» электр мосламасида бузилиш содир бўлганлиги сабабли мижозларга электр қуввати етказиб беришда узилишлар содир бўлган. Ҳозир Собир Раҳимов район электр тармоқлари идораси томонидан подстанция трансформатори таъмирланди. Айни пайтда электр таъминоти мунтазам йўлга қўйилди.

Ушбу тўпқум материалларини «Тошкент оқшоми» рўзномасининг ижтимоий-снёсий муаммолар бўлими мудири Тўхтамурод ТОШЕВ тайёрлаган.

Янгиликлар. Воқеалар

ФОЙДАНИ КЎЗЛАБ

Мамлакат Темир йўл вазирлиги билан темирйўлчилар мустақил қасаба уюшмасининг қарорига асосан Қўқон локомотив депосининг жамоаси ўтган йил иш якунларига кўра мусобақа ғолиби деб топилди. Темирйўлчилар номига Москвадан келган телеграммада жамоанинг шу йил биринчи кварталида барқарор ишлагани таъкидланган.

Қўқон темирйўлчилари амалда ҳамма топшириқларни ошириб бажардилар. Чунончи, юк ташишнинг режалаштирилган таннархи неча ўн минглаб сўм камайди, режадан ташқари 260 минг сўмликдан кўпроқ фойда олинди.

Жамоа кенг жабҳа бўйлаб сидқидилдан меҳнат қилаётганлиги сабабли муваффақиятга эришмоқда. Масалан, бу ерда 1990 йил якунларига кўра 600 тоннадан кўпроқ тақчил ёқилғини ва 200 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолишди.

Депода ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда фақат барқарор ишлаш натижасидагина меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мумкинлигини яхши тушунадилар. Шу туфайли фойда олиш, уни турли компенсациялар тўлашга, ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга сарфлаш мумкин.

УЛЬТРАТОВУШ КАБЕЛНИ «ЯМАЙДИ»

Тошкент автомобиль йўллари илмгоҳи олимлари билан «Средазкабель» мутахассислари ишлаб чиққан қисқа тўлқинли қурилма мазкур ишлаб чиқариш бирлашмасида брак маҳсулотлар миқдорини кескин камайтиришга ёрдам берди.

Бундан бир неча йил илгари биргаликда изланиш бошланганди. Қудуққа тушириладиган нефть насослари учун кабель ишлаб чиқариш вақтидаги бракнинг ўзи бу корхонада 300 тонна атрофида бўларди. Полиэтилен билан қопланган мис сим чиқиндига чиқариб юборилади. Бундан юзлаб минг сўм зарар кўрилади. Муаммонинг моҳияти шунда эдики, шикастланган полиэтилен қобиғини қайта тиклаш, симнинг хоссаларини қайтариш лозим эди.

Ана шу нарсаларни тиклайдиган дастлабки ультратовушли қурилма жуда оғир ва қўпол бўлган. Мана унинг янгиси ҳам тайёр. Қурилмадан фойдаланилган ярим йил ичида барча сарф-харажатлар қопланди. Қудуққа тушириладиган нефть насослари учун тақчил маҳсулот ишлаб чиқариш чиқиндисиз жараёнга айланди. Мамлакатимизнинг турдош корхоналаридан қурилма сотиш илтимос қилиниган буюртмалар тушмоқда.

ИШСИЗЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Узбекистон ССР «Билим» жамияти фан-техника тарғиботи жумҳурият уйида очилган сартарошлар, пардозчилар, уқаловчилар ўқуви муайян кишиларга, иш жойи қисқартирилган ходимлар, ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари, уй бекаларига мўлжалланган.

Олинган фойданинг бир қисми ҳисобидан муаллимларга, мамлакатимизнинг Ленинград ва Рига шаҳарларидаги етакчи мактабларда касб сирларини ўрганган тажрибали амалиётчи усталарга ҳақ тўланади. Қолган пуллар эса ташкилотчиларнинг тасарруфида қолади. Ҳар бир группага кўпи билан 5-6 киши қабул қилинади.

Собиқ ишсизлар икки ё уч ойлик ўқишни тугатгач, ўзларига керакли касб эгаси бўладилар. Усталар патент сотиб олиб, мюкозларни ўз уйларида қабул қилишлари ҳам мумкин. Ўқиш эндигина бошланди, бироқ хоҳловчиларнинг охири кўринмаяпти. Қизиғи шундаки, уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини битирган кишилардир.

КЎРГАЗМА МАЪҚУЛ БЎЛДИ

Олис шайхомонлик рассом Омонгелди Утегенов билан Нукус бирлашган авиацияси отряди ходимлари орасида отлиқ алоқалари ўрнатилган. Мўйқалам устаси асарларининг кўргазмаси шу алоқаларнинг дастлабки самараси бўлди. Бу кўргазма шу корхонанинг каттагина залида очилди.

Бу ерда Омонгелди Утегеновнинг 30 дан зиёд асари намойиш этилган, — дейди Қорақалпоғистон Давлат санъат музейининг ходими Л. Шторгина. — Бу асарларнинг аксарияти кейинги икки-уч йил ичида яратилган. Бизнинг заҳирахоналаримизда эса у ўзига хос рассомнинг юздан зиёд асарлари сақланмоқда.

Қорақалпоғистоннинг шимолидаги совуқ иқлими, ранглларга унча бой бўлмаган табиат манзаралари тасвирланган суратлар авиаторларга маъқул бўлди. Улар шахсий кўргазма тугаллганидан кейин асарларнинг бир қисмини сотиб олишга ва корхонада қолдиришга қарор қилдилар. Ким билади, балки айни шу асарлар ҳаваскор рассомлар картина галереясига асос солар.

«СУМАЛАК» ЖАНУБИЙ УРАЛЛИКЛАРНИ РОМ ҚИЛДИ

«Сумалак» халқ ансамбли қадрдон Андижонга Челябинскдан халқ ижодиёти Учинчи Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати бўлиб қайтди. Бутун мамлакат рақс жамоалари иштирок этган танлов дастурида у «Муножат» халқ рақси билан қатнашди. Рақс ижро этилаётган вақтда шарқ шоирларининг рус тилига таржима қилинган таъсирчан шеърлари ўқилди.

Кўрик андижонликларга томошабинларни ва тингловчиларни шарқ мусиқаси қадимий анъаналари билан таништириш имконини берди. «Сумалак» тўрт кун мобайнида Челябинск вилоятида ҳам концертлар берди. Томошабинлар олқишига сазовор бўлган артистлар Қозон шаҳрига таклиф қилиндилар. Андижон жамоасига Қалмиқда ўтадиган халқаро фестивалда ҳам республика вакили сифатида қатнашиш ҳуқуқи ишонib топширилди.

Бу йил концертларга бой бўлиши кутилмоқда. Чет эл сафари ҳам режалаштирилган, Ансамбль Жазоирда ўтадиган халқаро рақс кўригида иштирок этиш учун таклифнома олди.

ҲАМ ИЖОДКОР, ҲАМ СОТУВЧИ

Болалар учун мўлжалланган «Орзу» ва «Қочоқ майнун» китобларининг муаллифи термизлик Қўзибой Абдужалиловга ёшларни эстетик тарбиялашдаги катта ишлари учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи топширилди. Булар қиссалар, ҳикоялар ва ҳажвиялар тўпламларидир. Китоблар Тошкентдаги «Ёш гвардия» нашриётида тайёрланган, Сурхондарё вилояти босмахонасида чоп этилган. Муаллиф нашр билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олди. Китобни сотиш билан ҳам ўзи шуғулланди.

8 минг нусхада чиқарилган китобларнинг ҳаммаси қисқа муддатда ўз эгасини топди. Тушган пул харажатларни қоплабгина қолмай, шу билан бирга муаллифнинг яхшигина қалам ҳақи олишини таъминлади.

Ҳозир Душанбедаги «Адиб» нашриётида Қ. Абдужалиловнинг янги бир китоби — «Зулайҳо» тўпламини нашрга тайёрланаяпти. У ҳам муаллиф ҳисобидан босиб чиқарилади.

ЖИРОВ ХОТИРАСИГА

Машҳур қорақалпоқ бахшиси Жиян Жиров Омонлиқ ўғлининг ватанида унинг хотираси кунлари бўлиб ўтди. Қорақалпоқ ва Ўзбек районда республика фан ва маданият арбоблари билан учрашув ўтказилди. Ҳозирги «Қораўзак» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Қабоқли ота қабристонида унинг қабри устига мармартош ўрнатилди.

Жиян Жиров XVIII асрда яшаб, ижод қилган. Халқ ижодиёти мухлисларининг қалбига мансуб «Буюк тоғ», «Ҳой, йигитлар» достонларини яхши биласиз. «Посган Ер» «Эзилган халқ» асари эса энг моҳир қорақалпоқ ижрочиларининг севимли достонидир. Жировнинг фаол ижод қилиши, Амударё этаклари аҳолиси орасида халқ оғзаки ижоди намуналарини тарғиб этиш туфайли «Ёдгорлик», «Алпомиш», «Шарёр», «Қоблан», «Қирқиз» каби эпик асарлар ҳозирги авлодларгача етиб келди.

Ҳозир Қорақалпоғистоннинг кўпгина жойларидаги кўчалар ва мактаблар Омонлиқ ўғли номи билан аталган.

ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК БЎЛИМИ

Қандай қилиб оилавий турмушда, эр-хотин муносабатларида уйғунликка эришиш, уйрўзғор ишларини моҳирлик билан бажаришни ўрганиш, пазандалик, тикувчилик санъатини эгаллаш мумкин — Жиззах вилояти кутубхонасида очилган оилавий китобхонлик бўлимида ана шу ва бошқа муҳим саволларга жавоб топиш мумкин. Бу бўлим китобхонларнинг истакларини ҳисобга олиб очилди. Кутубхонанинг тажрибали ходимлари керакли китобни тез топишда ёрдам беришади. Улар оила ва уйрўзғор билан боғлиқ барча янги китобларни тўплаб, системага солишган. Шундай қилинмаса китобхон «адашиб қолиши» ҳеч гап эмас, чунки бу ерда 90 мингга китоб бор.

(ЎзТАГ).

Одобнома

БИР нуроний отахон хонамда ўтирардилар. Ғалаба байрами арафасида қуролдош дўстлари ҳақида чиққан мақолани ўқий олмаган эканлар. Шуни сўраб келибдилар. Мен рўзноманинг ўша сонини изладим. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Қўлим банд эканлигини кўриб «Олаверайми, ўғлим» деб сўрадилар.

— Бемалол, — дедим, — мени сўрашса ҳозир денг.

Отахон эшитгични кўтариб «лаббай» дедилар. Бир лаҳза эшитиб туриб «Сизга ким керак эди?» дедилар. Қўнғироқ қилган одам бирон нима деди чоғи «Сизни бўлса керак, ўғлим» деб гўшакни менга узатдилар. Олдим. Овоз бердим. «Ким бу?» деган овоз келди симдан. Исм-шарифимни айтдим. «Фалончининг телефон номери неччи? яна дағал овоз эшитилди. Сўраган одамни танимаслигимни айтдим. Хайр-маъзур қилмай гўшакни жойига қўйди.

— Адашиб тушган шекилли, — дея отахонга қарадим. — Бунақа янглиш қўнғироқлар тез-тез бўлиб туради...

— Шуни озгина одоб билан сўраса бўлмайдими, ўғлим, — қарининг юзидаги жилмайиш ўрнини изтироб эгаллаганди. Шундагина унинг дили оғриганини ҳис этдим.

ЯХШИ ТОПИБ ГАПИРАР

— Катталик эгамга ярашади. Бир оғиз салом-алик қилиб, ким кераклигини айтса олам гулистон, даб-дурустдан «Ким бу?» демасдан!

Отахон маҳзун бир қиёфада хонани тарк этди: Шуларни ўйлаб туриб иш юзасидан қўнғироқ қилиб турадиган, сабоқ берган устозларимни, илм-фанда мактаб яратган олимларни эсладим. Улар гапни шундай одоб билан бошлашадики, муносиб жавоб қайтараман деб шошиб қолади киши.

Яқинда телефоннинг навбатдаги жирингларидан бири бўлди. Гўшакни ёши олтмишга яқинлашиб қолган ҳамхонам кўтарди.

— Эшитаман, — деди ва ҳамсуҳбатининг гапини тинглаб бўлгач жавоб қайтарди: — Қизим, аввал салом беринг, кейин қаерга тушганингизни аниқланг... Оббо гўшакни қўйдику. Ҳа майли, уялгандир, — деди у кулиб.

— Нега қўнғироқ қилган экан? — қизиқсиниб сўрадим.

— Диля уйдами, деб сўраяпти. Йўқ, қиз уялмаган экан. Бироздан сўнг яна телефон жиринглади. Бу гал мен олдим.

— Дилярларнинг уйими? — қиз боланинг овози келди симдан.

Мен унинг яна хато тушганини айтдим.

— Сизларники нечча ўзи?

Жавобни олгач, «Всё ясно» деб гўшакни қўйиб қўйди.

Ҳа, биттагина гап билан (у баъзи кишилар учун оддий муомала бўлиб туюлсада) бир одамнинг кўнглига озор етказиш ҳеч гап эмас экан. Айримлар айтиши мумкин: «Нима қипти, бегона одамку, уни кўрмаган бўлсам», деб. Балки кейин ҳам умуман кўрмас, лекин бу тасалли ўрнига ўтмайди.

Халқимизда «Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб...» деган нақл бор. Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Истагим, бирбиримизни билиб-билмай кўнглимизни оғритмайлик, дилимизни хуфтон қилмайлик. Ҳеч қачон кўришмаган бўлсак ҳам бир-биримизда ёмон таассурот қолдирмайлик. Муомала ҳам санъат-да, ахир!

Рашид АБДУЛХАЕВ.

Халқимизда қадимдан ажойиб бир удум бор. Қиз болага ёшлигиданоқ нон ёпишни ўргатишган. Ҳар бир уй бекаси нон ёпишни яхши билган ва қизларини турмушга беришдан аввал шунга ўргатган.

Нонвойлик дунёдаги энг ҳалол ва покиза касб. Уни ҳатто санъат ҳам дейишади. Ҳақ гап. Ахир зуваланинг ўзига хос услубда ясалиши қайси бир санъат асаридан қолишади? Хамир қоришдан тортиб то тандиргача қанча меҳнат сарф бўлишини бир кўз олдимизга келтирайликчи, унинг замирида қанчалар саъй-ҳаракат ётади.

Мана бу суратга бир қаранг-а, келинчак билан ёшгина қизалоқ зувалаларга шакл бериб, уларни чакичлашаяпти. Бир неча дақиқадан сўнг эса улар тандирда пишаётган бўлади. Дастурхонга иссиқ, мазали нонлар тортилади. Уни еганлар нондек азиз бўл, дея нон ёпганларни алқашади. Дастурхонимиз доим тўкин бўлсин дея дуо қилишади. Ҳа, ризқ-рўзимиз доим бутун бўлсин.

Т. Каримов сурат-лавҳаси.

Турмуш чорраҳаларида

ҚУЛФЛАНГАН ҲАЁТ

БЕКАТ одамлар билан гавжум. Ҳаммаси кўзлаган манзилимга тезроқ етсаму, йўл азобидан қутулсам деб шошилишади. Биз жўнайдиган «Тошкент—Китоб» поезднинг келишига ҳали анча вақт бор эди. Шунинг учун биз чипта атрофида бўлаётган ғала-ғовурлардан четроққа чиқиб туришни маъқул кўрдик. Ва қулай жой топиб жойлашар эканмиз, ўртоғим муҳим нарсани унутганини айтиб телефон қилиш учун кетди. Бир вақт: «Сигаретингиз борми?» деган майин овоздан ўзимга келдим. Қарасам, рўпарамда ёши йигирма учларни қоралаган бир қиз кулиб турарди.

— Ростанам чекмайсизми?

— Сизни қандай ишонтиришим мумкин?

— Бўлди, бўлди. Ишондим. Тўғри қиласиз, мана мен уч йилдан бери чекаман, — деди ва чуқур хўрсиниб, яна гапида давом этди:

— Ўзим асли сирдарёликман. Ёшлигимда отам автомобиль фалокатидан вафот этган. Учта синглим ва онам бор. Уларни ёқтирмайман. Шунинг учун уйга кам борардим. Тошкентга келганимга беш йилдан ошди. Шундан уч йиллик умрим ҳунар-техника билим юртида ўтди. Билмадим. Ҳозир буларни сизга нима учун айтаяпман, — деди ўзидан бехабар кишидек.

— Ҳамма-ҳаммаси мана шу билим юртида бошланди. Ўзингиз биласиз, ёшликда барчанинг яхши еб-ичиси, кийингиси келади. Уйдагиларнинг менга ёрдам беришга ҳоллари йўқ, ўзлари ҳам ночор яшардилар. Мен билим юртида ўзимни-ўзим эплаб кетарман, деб ўйлардим. Афсуски янглишган эканман. Кўпдан қарздор бўлиб қолибман. Айниқса Собир исмли боладан қарзим кўп эди. Кўпинча ундан нима сўрасам, йўқ демасди. Бошқалар қарзини қистарди, у эса ҳатто сўрамасди. Шунинг учун бу сафар ҳам унинг олдига кирдим. Хонасида бир ўзи ўтирган экан, у ёқ, бу ёқдан гаплашгач — Нега қўнғироқ қилган экан? — қизиқсиниб сўрадим.

— Диля уйдами, деб сўраяпти. Йўқ, қиз уялмаган экан. Бироздан сўнг яна телефон жиринглади. Бу гал мен олдим.

— Дилярларнинг уйими? — қиз боланинг овози келди симдан.

Мен унинг яна хато тушганини айтдим.

— Сизларники нечча ўзи?

Жавобни олгач, «Всё ясно» деб гўшакни қўйиб қўйди.

Ҳа, биттагина гап билан (у баъзи кишилар учун оддий муомала бўлиб туюлсада) бир одамнинг кўнглига озор етказиш ҳеч гап эмас экан. Айримлар айтиши мумкин: «Нима қипти, бегона одамку, уни кўрмаган бўлсам», деб. Балки кейин ҳам умуман кўрмас, лекин бу тасалли ўрнига ўтмайди.

Халқимизда «Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб...» деган нақл бор. Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Истагим, бирбиримизни билиб-билмай кўнглимизни оғритмайлик, дилимизни хуфтон қилмайлик. Ҳеч қачон кўришмаган бўлсак ҳам бир-биримизда ёмон таассурот қолдирмайлик. Муомала ҳам санъат-да, ахир!

Рашид АБДУЛХАЕВ.

ФАРЗАНДИМИЗ МЕҲНАТНИ СЕВСИН

ЎСИБ келаётган ёш авлод меҳнат тарбиясида мактаб билан оиланинг ҳамкорлиги жуда катта аҳамиятга эга.

Ота-оналар таълимни ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлаб олиб бориш асосида халқ таълими системасини қайта қуришнинг моҳияти нимадан иборат эканини яхши билишлари мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ота-оналар меҳнатнинг тарбиявий ва таълимий аҳамиятини мактабга болалари қандай меҳнатга ўргатилаётганини ҳамда уларнинг бу соҳада қандай малака орттираётганини билишлари керак.

Синф раҳбарлари ҳам ўз ўқувчиларининг нима билан банд эканликларини, оилада қандай ишларни бажаришларини, меҳнатга бўлган қизиқишларини кузатиб бориши даркор. Болаларнинг меҳнатига муносабатларидан хабардор бўлиб турган мактаб ва оилагина биргаликда бажариладиган умумий ишларда якдиллик, бир-бирига мослик изчилликни вужудга келтириш мумкин.

Тошкент шаҳридаги 59, 119, 73, 234, 22-мактаблар ота-оналар билан ишлаш тажрибалари шуни кўрсатдики, меҳнат тарбиясини амалга оширишда зиё маскани ва оила ўртасидаги ҳамкорликни, ота-оналар жамоатчилигини жалб қиладиган суҳбат, илғор ишчилар билан учрашувлар, вақти-вақти билан маърузалар уюштириш, айрим корхоналарга бориб иши билан танишиш ўғил болаларнинг ва қизларнинг ўзига хос, касб-ҳунарларни қузатиб боришлари ҳам яхши натижа беради.

Ҳар бир ота-она меҳнат тарбиясида ўз тажрибалари ҳақида фарзандлари билан (оналар қизлари билан, оталар ўғиллари билан) тез-тез суҳбатлашиб туришлари ҳам фойдалидир. Бу қийинчиликка чидаш ва уни енгишни ўргатиб боради.

Мактаб меҳнат тарбиясида ота-оналарга кўрсатма ва маслаҳатлар бериш билан чекланиб қолмай, уларнинг бажарилишини ҳам кузатиб бормоғи лозим. Бунда ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига бўлган талабни аста-секинлик билан кучайтириб бориш керак.

Синф раҳбари, мактаб маъмурияти ўқувчиларнинг оиласини ўрганишда меҳнат тарбиясининг қандай қўйилганлиги билан албатта қизиқишлари шарт. Шу билан бирга уларнинг оилавий меҳнат, моддий аҳволи, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, маданий-сиёсий савияларини ҳам аниқлаб, зарур ўринларда ёрдам бериш жонз.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ота-оналар болаларининг оиладаги меҳнати билан бирга қурби етмайдиган бўлиб қолган қари чол ва кампирларга, ногирон ва беморларга ёрдам беришда ҳар доим ўз ихтиёрлари билан қатнашишларини кузатиб боришлари лозим.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ўз фарзандларининг меҳнатга бўлган муҳаббатларини шакллантириш учун зарур шароитлар яратиб бериш билан бирга, уйларида меҳнат қиладиган бурчак ташкил қилишлари ҳам яхши натижа беради. Бурчакда боланинг иш кийимлари, иш қуроллари, ўзи учун керак бўладиган болғача, аррача, ранда, қалин қоғоз, ёлим, катта-кичик мих, болтача, теша, турли рангли бўёқлар, чўтка, иложи бўлса, техника асбоблари бўлиши боланинг меҳнатга бўлган ҳавасини орттиради.

Ота-оналар ва синф раҳбарлари болаларнинг меҳнат маданиятига ҳам эътибор беришлари даркор.

Ўз фарзандларининг ёшлигидан бошлаб, меҳнат фаолиятига эътибор бермайдиган, ҳаттоки, ўз-ўзига хизмат қилдирмайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Боланинг қилиши лозим бўлган ишларини ҳам ота-онанинг ўзлари бажарадилар. Бундай оилада катта бўлган болалар лоқайд, меҳнатга меҳр қўймаган, уни севмовчи такасалтанг бўлиб етишади.

Оилада уй-рўзғор юмушлари бозордан, уйга яқин магазинлардан харид қилиб олиб келадиган нон, ширинлик, бозордан олинадиган озиқ-овқатлар ҳам оила аъзолари ўртасида тўғри тақсимланмоғи лозим. Болалар у ёки бу ишни бажаришда билиб ёки билмай хато қилиб қўйган тақдирда жеркиб, қаттиқ гапирмасдан, кесатмасдан, аста-секинлик билан тушунтириш, йўл-йўриқ кўрсатиш керак.

Айрим ота-оналар ўз фарзандларига бир ишни буюрадиган бўлса улар билан шартлашади: «Полни ювиб чиқсанг опангникига олиб бораман, кинога пул бераман, уни олиб бераман, буни олиб бераман». Бундай ҳолатда болалар фақат ўз манфаати учун бир вазифани бажарадиган бўлиб қолади, тарбияси бузилади.

Баъзи ота-оналар ўз болаларини меҳнат билан жазоламоқчи бўладилар. «Опангнинг айтганини қилмабсан, шунинг учун туфлиларни мойлайсан, майда кўмирни ахлатхонага олиб чиқиб ташлайсан» каби. Бу педагогикада мутлақо кечириб бўлмайдиган хато ҳисобланади. Чунки меҳнат жазо воситасига айланиб, меҳнатнинг шон-шуҳрати йўқолиб қолади.

Хуллас, мактаб ҳамда оиланинг ҳамкорликда иш олиб бориши туфайли меҳнат тарбиясини тўғри ташкил этиш, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашнинг асосини ташкил этади. Меҳнат кишига бахт келтиради. Шунинг учун халқимиз «Меҳнат инсонни улуғлайди» деб бежиз айтмаган.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
кекса муаллим, республика халқ таълими аълочиси.

Москвалик олим И. Б. Чарковский мамлакатимизда сувда туғиш услубини илк марта жорий этган шифокор ҳисобланади. Игорь Борисович ва унинг шогирдлари сувдаги туғруқ жуда енгил ва деярли оғриқсиз кечишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, бундай усулдан фойдаланганда гўдакнинг руҳияти шикастланмайди. Шўнғиш, динамик гимнастика, бэби-йога, совуқ сувда чиниқиш табиат томонидан болага ато этилган барча хислатларни сақлашга ёрдам беради. Бироқ бундай усулда туғиш учун аёл жуда жиддий тайёрланиши керак.

СУРАТДА: сувдаги илк чиниқишдан сўнг гўдак онаси бағрида ором олмоқда.

С. Беляков (СИТА) сурати.

Советлар мамлакатида

ЧИПТАНГИЗ ЙЎҚМИ? ЖАРИМА ТЎЛАМАЙСИЗ

МИАСС (Челябинск вилояти). Миассда шаҳар троллейбуслари ва автобусларида чиптасиз юрганлик учун энди жарима олишмайди. Бир ой бўлдики, бу ерда на чипта, на назоратчи бор. Троллейбус бошқармасини ҳам, йўловчилар ташиш автокорхонасини ҳам шаҳар Совети иш кўрсаткичларига қатъий таянган ҳолда пул билан таъминлайди. Масалан, автобус охирги бекатга икки дақиқа кечикиб келса, бунинг учун ҳисоб-китоб миқдори икки баравардан кўпроқ камаяди. Миасс корхоналари ва ташкилотлари ўзининг ҳар бир ходими учун 9 сўм ҳисобидан шаҳар Советига пул ўтказади. «Транспорт солиғи» солинмайдиган болалар ва пенсионерларга, ҳатто шаҳар меҳмонларига хизмат кўрсатиш учун шунинг ўзи етарли. Транспорт аниқ ишлайдиган бўлса чипталар нархини уч баравар оширишга нисбатан бу янги усул воситасида уни янада барқарорроқ пул билан таъминлаш мумкинлигига мутахассисларнинг ишончи комил.

СОҒЛОМ КЎЧАТЛАР

ГОРКИ (Могилев вилояти). Белоруссия қишлоқ хўжалиги академиясининг тажриба майдонида яшаш қобилияти кучли бўлган олма ва голубика кўчатлари пайдо бўлди. Олимлар селекциячиликда кўниктириш ёрдамида радиактив ва кимёвий моддалар тўпланмайдиган мевали ва резавор экинларни ўстиришга киришдилар. Чернобиль АЭСидаги аварияндан жабрланган вилоят хўжаликлари ва аҳолиси учун бундай тадқиқотларнинг ижобий натижаларн бебаҳодир. Айни вақтда академияда шундай ўсимликлардан 200 минг туп етиштириш режалаштирмоқдалар. Олча ва ер тутини соғломлаштириш ишлари навбатда турибди. Ҳозирдаёқ қурилиш бошлаб юборилган биотехнология марказ ташкил этилиши билан кўчатлар оммавий равишда етиштирилади.

ЖАЖЖИ ХОЛОДИЛЬНИКЛАР

СУМИ. М. В. Фрунзе номли Сумм машинасозлик бирлашмасида жажжи холодильниклар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Бу ускуна сабзавот ва мева маҳсулотларини яхши сақлашга ёрдам беради. Бу одатдан ташқари маҳсулотни ишлаб чиқариш деҳқончилик-саноат корхоналарининг махсус буюртмасига биноан ўзлаштирилди. 200 куб дециметр ҳажмли бундай камералардан фермерлар ва юқарачилар, томорқа эгалари муваффақиятли фойдаланишлари мумкин. Йил охиригача бундай қурилмалардан бир ярим мингта ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

БОШПАНА ТОПДИЛАР

НАДЫМ (Тюмень вилояти). Озарбайжон, арман, рус оилалари Сибирда осойишталик топиб, ишга жойлашдилар. «Можаролн» жойлардан келган қочоқлар тюменлик газчилар ва қурувчилар шаҳрида бошпана топдилар. Бу ерда уларга иш ўринлари, меҳнат жамоаларига зарф келтирмасдан уй олиш учун навбат берилди. Ишга ёллашнинг одатдаги шартларидан фарқли ўлароқ, янги шимолликларни қабул қилган корхоналар шаҳар бюджетига кўп минг сўмлаб солиқ тўлашдан озод қилинмоқда.

(СИТА).



Ростов-Дон шаҳрида жойлашган мамлакатимиздаги энг йирик комбайн заводи йиғув конвейерларининг иши кейинги вақтда кескин секинлашди. Йиғув цехидан чиққан «Нива» ва «Дон» комбайнлари эса комплектловчи қисмлар йўқлиги сабабли корхона эшиги тагида узун-узун навбатларни ташкил этган. Бунга асосий сабаб, Липецк, Красноярск ва Смоленск шаҳридаги корхоналардан шартномада кўзда тутилган қисмларнинг вақтида етказиб берилмаслигидир. Агар иш шундай давом этса, ажаб эмаски, ғалла ўримининг айни қизиғи палласида кўп хўжаликларда ҳосилни йиғиштириб олиш учун шароит бўлмайди.

СУРАТДА: моторларни йиғиш цехида соқилиқ.

О. Надери (СИТА) сурати.

Сиз бунга нима дейсиз?

АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР

⊙ Бу хатнинг қўлимизга келиб тушганига анча бўлди. Узоқ ўйладик: жавоб хати ёзган маъқулми ёки эълон қилсакмикан? Бунк ўқиб ота баттар жаҳл отига минмасмикин? Лекин шунга ўхшаш хатлардан уч-тўртгаси келгач биз ҳам ўйланиб қолдик ва баъзи мулоҳазаларга бориб ўсмирнинг исм-шарифини кўрсатмаган ҳолда шу хатни эълон қилишга жазм этдик. Ахир гап эгасини топади, деган нақл бор-ку.

«Мен ҳозир саккизинчи синфда ўқийман. Сизларга мактуб йўллаб, биз 4 нафар фарзанднинг мурғак қалбларини ларзаға солаётган баъзи гапларни очиқ айтишга, қолаверса, «Тошкент оқшоми» муштарийларидан маслаҳат сўрашга қарор қилдим.

Дадам—милиция ходими. Улар бизни фарзанд ўрнида кўрмайдилар. Ўтай отадек муносабатда бўлишлари, кўча-кўйда кўрсалар, булар мени болаларимку демай совуқ муомала қилишлари қалбимизни ўртаяпти.

Ойим кейинги пайтларда соғлиқларини анча йўқотдилар. Қон босими, юрак ва қанд касалликлари уларни жуда қийнаяпти. Даволанишлари учун эса шароит йўқ.

Биз ойимларга ҳамма ишда ёрдам берамиз. Бу қиз бола қиладиган иш, деб қараб ўтирмаймиз. Чунки ойим бизга шундай тарбия берганлар. Уларнинг бир оғиз гаплари биз учун қонун. Фақат ўйламанг: «қаттиқ қўл экан» деб. Асло ундай эмас. Ойим бизни мактабга кузатаётиб: «Ўғилларим, майли мени ўйламанглар, фақат отанг номига доғ тушиradиган иш қилманглар», деб доим тайинлайдилар.

Эсимда, мен 7 ёшда эдим. Ойимнинг тез-тез мазалари бўлмай турарди. Дадам ишга кетаётганларида ойим уларга, «Адаси, мазам йўқ, бугун ишдан вақтлироқ келиб овқатга ёрдамлашиб, озроқ бозор қилиб беринг», деб илтимос қилдилар. Шунда дадам: «Улмайсан, ўғлинг билан бозор қилиб кел, озроқ дам олиб овқатни қозонга солиб қўй, ўзи пишаверади. Шунга ҳам мени овора қиласанми? Манави итваччаларингни сўқимга боқяпсанми?» деб сўкиниб эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетдилар. Ойим кичкина синглимни қучоқлаб кўп йиғладилар. Жуда раҳмим келди, «Ойи, ҳафа бўлманг, укам иккаламиз керакли нарсаларни йўлдан секин ўтиб, ўзимиз олиб келамиз, ёзиб беринг», дедим. Чунки ойим ётиб қолган, кўчага чиқишга ҳоллари йўқ эди. Ноилож: «Эҳтиёт бўлинглар» деб қайта-қайта тайинлаб рухсат бердилар. Мен 4 ёшли укам билан ўша кундан бошлаб рўзғор юмушларини ўз бўйнимизга олдик. Дадам кечқурун ишдан келганларида биз энди ухламоқчи бўлиб турувдик, бизга қараб: «Соат 11 дан ошди, итваччалар, ухлаш хаёлларингга келадими, йўқми?», — деб бақирдилар. Қўрқиб синглим ётган хонага кириб ётдик. Ойим ўзларини босиб, анчадан кейин: «Адаси, ўз фарзандларингизга ҳам шунақа бақирасизми? Ҳали улар ёш-ку, шўхлик қилгиси, ўйнаб-кулгиси келади. Бугун уларнинг анча ёрдами тегди. Яхшиям бахтимга шулар бор экан», дедилар. Адам бизни чақириб олиб, «Хўш, бугун ойингга қандай ёрдам бердиларинг?» деб сўрадилар. Биз укам иккаламиз бозорчага бориб нималар олганимизни, йўлдан эҳтиёт бўлиб ўтганимизни, бир-биримизга гал бермай гапириб бердик. Ҳамма гапимизни эшитиб бўлгач, дадам бизга қараб: «Энди ойинг сизларга иш буюрса қилманглар, керак бўлса ўзи қилсин. Ўлиб қолмайди. Ўлиб қолса сизларга бошқа ойи олиб бераман, тушундиларингми? Энди ухлаларинг», деб орқамизга шапалоқ билан уриб хонамизга киргизиб юбордилар. Кейин ойимга: «Мен ишдан келганимда итваччаларнинг оёгим тагида ўралашиб юрмасин. Эрталаб турганимда стол атрофида кўрмай... Мен кетганимдан кейин билганларингни қилларинг» дедилар. Мен ойимнинг йиғи аралаш гапирган гапларига тушунмасам ҳам, лекин бизларнинг ёнимизни олаётганликларини сезардим. Шу-шу бўлди-ю, отамизнинг биз билан, биз эса отамиз билан ишимиз бўлмай қолди. Шу орада оиламизда синглимиз туғилди. Дадам синглим 2 ёшга тўлгунича яхши кўриб, эркалаб юрдилар. Кейин ундан ҳам айнидилар.

Ойимга: «Бизнинг дадамиз нимага бошқаларнинг дадасига ўхшамайди» десам, «Қўй ўғлим, ўзингни сиқма, ахир бир кун инсофга келиб қолар», деб овутмоқчи бўладилар. Ахир 45 ёшга тўлдилар-а!

Бир кун ойим дадамга: «Менга тузукроқ кўйлак олиб беринг, кийишга ҳеч нимам қолмади», дедилар. Шунда дадам: «Сенга тузукроқ кўйлак керак бўлса юр, бойваччалар билан таништириб қўяман. Улар сени кийинтиришади, ҳам итваччаларингни боқишади», — деб жавоб қилдилар. «Ўғлимайсизми, ўз фарзандларингиз олдида шундай дегани», деб ойим хафа бўлдилар. Дадам бўлса пинагини бузмай: «Ҳа, нима қилибди, мен зўр, кетворганлар билан юрибман. Сен ҳам юр, мен сенга ҳеч нарса олиб беролмаман. Қарзим кўп. Итваччаларингни боқиш - ҳам малол келяпти», дедилар. Шу гаплардан кейин ойим ажрашмоқчи бўлиб судга ариза бердилар. Суд нафақа тўлаш ҳақида ҳукм чиқарди. Лекин дадам милициядан ҳайдалмаслик учун таниш-билиш қилиб, суд ҳукмини бекор қилдирди. Мана, бир неча йилдирки отамизнинг номи бору, ўзи йўқ. Биз 4 нафар айбсиз айбдорнинг келажак тақдири уни ҳеч қизиқтирмайди. Ойимнинг соғлиғи ёмонлиги, биз беш жон нафақа ҳисобидан зўрға кун кечираётганимиздан дадамнинг хабари бор. Ойимга бир нарса бўлгудек бўлса, биз тирик етимларнинг аҳволи нима кечади? Нима қилай, бармоғимнинг бирини тишласам, иккинчиси зирқирайди. Ўйлай-ўйлай сизлардан маслаҳат сўрашга мажбур бўлдим. Сиз бунга қандай қарайсиз? Илтимос, исми-шарифимни ўзгартириб ёзинглар. Биламан, бу гаплар дадамга таъсир қилмаслиги мумкин. Лекин шундай бўлса ҳам ёзишга қарор қилдим.

Салом билан...».

Ҳа, инсон яралибдики болаликданоқ эртанги кунини умид билан кутиб яшайди. Бошқалардан меҳр-шафқат, оқибат, инсоф кутади. Дунёда энг ёмони — ёшликдан одамларга бўлган ишончни йўқотиш. Бир йўқолдими уни қайтариш қийин. Меҳр-муҳаббат бобида эса фарзандга ҳеч ким ота-онасидек бўлолмайди. Шунинг учун ҳам бу мавзуга яна бир бор қайтдик. Мақсад, юқорида таъкидлаганимиздек гап эгасини топсин.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ



Асад ака Нуриддинов мана бир неча йилдирки, «Динамо» спорт жамиятида болаларга чарм қўлқоп сирларини ўргатиб келади. Бу вақт ичида унинг кўп шогирдлари иттифоқ миқёсидаги турнирларда ғалаба қозониб жумҳуриятимиз бокс мухлисларини хушнуд этди. Ҳозирги кунда Асад ака қўлида йигирма нафар ёш спортчи ўз маҳоратини оширмоқда. Ажаб эмаски, келажакда улар орасидан Р. Рисқиев, Н. Анфимов, В. Шин, А. Қодирохунов каби иқтидорли чарм қўлқоп усталари етишиб чиқса.

СУРАТДА: А. Нуриддинов (чапда) машғулот пайтида.

Холмат Мирзакаримов суратн.

БЕЛЛАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР

САМБО° Куни кеча Москвада самбо бўйича халқаро турнир якунланди. Ўз вазн тоифаларида Рудик Ким ва Сергей Байдинлар мусобақа ғолиби бўлдилар. Феруз Аъзамовга эса иккинчи ўрин насиб этди. Спортчиларнинг учови ҳам шаҳримиздаги «Динамо» жамиятининг вакилларидир.

МЕРГАНЛИК° Шаҳримиздаги Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида мерганлик бўйича аёллар спартакиадаси якунланди. Мусобақада 7 командадан 38 ишчи қатнашди. 230 очко жамғарган асосий фондларни эксплуатация қилиш хизмати ходимлари спартакиада ғолиблигини қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин 214 очкога эга тайёрлов цехи, учинчи ўрин эса йиғув цехи вакилларига насиб этди.

* * *

Мариуполь шаҳрида мерганлик бўйича Бутуниттифоқ касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти биринчилиги ўтказилди. Ҳамшаҳримиз, «Старт» клубининг спортчиси Наталья Яценко ВП-4 машқида 388 очко тўплаб кумуш медални қўлга киритди. У шунингдек, кўрсатган юқори натижаси учун халқаро классдаги спорт устаси талабини ҳам бажарди.

БАТУТДАН САКРАШ° Белоруссиянинг Гродно шаҳрида қаҳрамон учувчи Добровольский хотира совғини учун батутдан сакраш бўйича халқаро мусобақалар ўтказилди. Унда тошкентлик Дмитрий Поляруш муваффақиятли қатнашди. У якка ўзи сакрашда биринчи ўринни эгаллади, синхрон сакрашда эса киевлик спортчи С. Нестреляй билан учинчи ўринни бўлишиб олди.

Дамир ИСЛОМОВ.

ТЎГАРАКДАН ХАЛҚАРО МУСОБАҚАГА

Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда айки-до, у-шу, каратэ-до, таэквон-до каби шарқ якка кураш турлари тобора оммалашиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу спорт турлари бўйича юздан ортиқ маҳоратли спортчилар етишиб чиқди. Улар орасида ўз ичига 3200 ҳаракатни олган ва файласуфона асосга эга бўлган таэквон-до бўйича Ўзбекистон спортчилари ҳақли равишда Иттифоқимизда энг кучлилардан саналади. Бу муваффақиятларнинг калити шундаки, етакчи якка кураш усталаримиз ўзларининг бой маҳоратларини ёшларга қунт билан ўргатмоқдалар. Шундай куюнчак ва иқтидорли таэквон-до усталаридан бири СССР Кубоги соҳиби ва мамлакат чемпиони, яқинда Эронда ўтказилган халқаро турнирда учинчи ўринни олган Константин Кузнецовдир. Константин Викторовичнинг ташаббуси билан Куйбишев районидаги «Теннис саройи»да бир йилдан бери таэквон-до тўгараги иш кўрянти. Ушбу тўгаракда ҳозир қиз болалар ҳам якка кураш сирларини ўрганишмоқда. Жами шуғулланувчилар сони эса ўттиздан ортиқ.

— Мен 1982 йилдан бошлаб шарқ якка кураш турлари билан шуғулланиб келяпман, — деди жамоатчи мухбиримиз билан суҳбатда К. Кузнецов. — Дастлаб каратэ, ҳозирда эса таэквон-до билан шуғулланяпман. Чунки таэквон-доннинг анча мураккаблиги ва ҳаракат усулларининг кенглиги жиҳатдан устун туриши мени ўзига тортган эди. Таэквон-до ўта сезгирлик ва ақл билан иш кўришни талаб этади. Ўз муваффақиятларимда устознм, СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси Алик Петияждан беҳад миннатдорман. Мана, ҳозир таэквон-до бўйича озми-кўпми тажрибага эгаман ва баҳоли-қудрат тўплаган билимларимни шогирдларимга ҳам ўргатмоқдаман. Тўгарагимда шуғулланаётган Павел Михайлов, Анвар Раҳимқулов, Александр Маскалев, Павел Перезовенко ҳамда Холиқул Бекназаровлардан умидим катта, ўйлайманки, ушбу йигитлар тез орада халқаро мусобақаларда жумҳуриятимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

Уткир ҲАЙДАРОВ.

МАҲОРАТ МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор райони ҳудудида жойлашган спорт иншоотлари янгича усулда бунёд этилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Шу ўринда жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплексини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Турли спорт мусобақалари ўтказиладиган йирик марказга айланиб қолган мазкур чиниқиш ва маҳорат маскани эндиликда хориждан келган сайёҳлар эътиборини ҳам ўзига тортмоқда. Шу сабабли шаҳримиз бўйлаб уюштирилаётган саёҳатлар чоғида шу комплексда ҳам тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Меҳмонлар унда жойлашган турли спорт хоналари ва майдонлари билан танишиб, ўтказилаётган мусобақа ёки машқларни ўз кўзлари билан кўришлари мумкин. Шунингдек, бу ерда саёҳатчилар учун қизиқарли суҳбатлар бурчаги ҳам ташкил қилинди.

Акром АКБАРОВ.



Энчиллар ва мардлар спорти. Даврон Аҳмедов суратлари.

Тошкент шаҳар, Октябрь районига қарашли «Ўзбекистон 15 йиллиги» санаторийси жумҳуриятимиздаги болалар хасталиклари бўйича ихтисослашган саноқли даволаш масканларидан бири ҳисобланади. Айни кунларда санаторийда шаҳар меҳнаткашларининг 170 дан ортиқ ўғил-қизлари ҳам ўқиб, ҳам даволанишяпти. Маълумки, болаларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва бақувват бўлиб камолга етишида жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта. Айниқса, экологик муҳит бениҳоя бузилиб, ифлосланиб кетаётган бир вақтда ёшларнинг жисмонан бақувват, чиниққан, чақкон бўлишлари ҳаммамиз учун зарур.

Хўш, биз ҳикоя қилаётган санаторийда ёшларни жисмоний чиниқтиришга эътибор қандай? Биз шу савол билан жисмоний тарбия ўқитувчиси Матлабхон Алимовга мурожаат қилдик.

— Шу ерда ишлаётганимга 6 йил бўлянти, — гап бошлади Матлабхон ака. — Машғулотларни кўнгилдагидек ўтказишга ҳаракат қиламан. Лекин, фақат истакнинг ўзи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Машғулотлар учун деярли шароит йўқ. Болаларнинг тезроқ соғайиб кетишида тиббий воситалар билан бир қаторда, жисмоний тарбия машғулотлари ҳам катта ёрдам бериши ҳаммамизга аён. Лекин спорт ўйинлари учун кичкина бир хона ажратилган, холос. Унда эса 25 — 30 ўқувчи билан машғулот ўтказишнинг иложи йўқ. Яна шу тор хонадан қизлар учун алоҳида жой

ИСТАКНИНГ ЎЗИ ЕТМАЙДИ

ажратишга тўғри келади. Бундан ташқари, баъзи жиҳозлар етишмайди.

Биз кўп марта тегишли жойларга арз қилиб бордик. Лекин бу масалани ҳал этиш ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Бундан икки йил аввал Ўзбекистон Давлат спорт қўмитасининг раиси келиб кўриб, бу ерда жисмоний тарбия машғулотларини ўтиш учун ҳеч қандай шароит йўқлигини айтиб ёрдам қилишга ваъда берган эди. Бироқ, кўриб турганингиздек, ҳозирча бирорта ўзгариш йўқ. Ҳаделб пайсалга солинавергандан кейин кўнглинг совиб, қўлинг ишга ҳам бормай қўяр экан.

Дарҳақиқат, шароит бўлмаган жойда ишнинг унуми ҳам бўлмайди. Бундан икки йил аввал болалар ётоқхонаси ширкатчи таъмирчилар томонидан тўла таъмирдан чиқарилган, бу ишларга эса 65 минг сўм ажратилган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ поллар тоб ташлаб, сувоқлар кўчди, иситиш қувурлари тез-тез ёрилиб кетаяпти.

Шу аҳволни кўргач ҳаёлимиздан бир қанча саволлар ўтди ва ваъдалар унутилиб кетмадимикан дея, Ўзбекистон ССР Давлат спорт комитети раиси Обид Назировга сим қоқдик.

— Эсимда, — дея жавоб қилди О. Назиров. Санаторий учун янги замонавий бино қуриш ниятидамиз. Бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрлаб қўйилган, энди таъминловчи ташкилот томонидан пул ажратилиб, 1995 йил қурилиши режасига киритилади.

Ажаб, эмас, тегишли мутасаддилар энди ишга жиддийроқ киришсалар.

Гулнора АБДУМУРОТОВА,
Мақсуда БОБОМУРОДОВА,
ТошДД журналистика кулliёти талабалари.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АГАР СИЗ МЕНЕДЖЕР, РАҲБАР ХОДИМ ЁКИ МУСТАҚИЛ БИЗНЕСМЕН БЎЛСАНГИЗ-У СИЗНИНГ ИХТИЁРИНГИЗДА ХАЛҚАРО БОЗОРГА ЧИҚАРМОҚЧИ БЎЛГАН МОЛЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БЎЛСА, У ҲОЛДА

«БМТ ГРУП» БРИТАНИЯ ФИРМАСИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ СИЗНИ ҚИЗИҚТИРИБ ҚОЛИШИ ТУРГАН ГАП.

БУ ФИРМА БРИТАНИЯ-СОВЕТ САВДО ПАЛАТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА БУЮК БРИТАНИЯДА САВДО МИССИЯЛАРИНИНГ УТКАЗИЛИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

Миссияларнинг мақсади — британ бизнесменлари билан хизмат алоқаларини ўрнатиш, конференциялар, семинарлар, репрезентацияларда қатнашиши, савдо ва техника кўргазмаларини бориб кўриш, менежмент ва маркетингга оид қимматли маслаҳатларни олишдан иборат.

Бўш вақтларда Сизга Буюк Британия ҳаётининг рангбаранг қирралари билан яқиндан танишиш, унинг диққатга сазовор маданий масканларини зиёрат қилиш имконияти яратиб берилади.

«БМТ ГРУП» ТОМОНИДАН 1991 ЙИЛДА УТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН МИССИЯЛАР ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

БИРМИНГЕМ, 22-28 апрель — КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ.
БРАЙТОН, 28 май-3 июнь — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ.
БРАЙТОН, 28 май-3 июнь — САВДО МИССИЯСИ.
АБЕРДИН, ШОТЛАНДИЯ, 2-8 сентябрь — НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ.
БИРМИНГЕМ, 23-29 сентябрь — ЭЛЕКТРОН САНОАТИ.
БИРМИНГЕМ, 11-17 ноябрь — АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ.
ЛОНДОН, 25 ноябрь-1 декабрь — САЙЁҲЛИК.

БИТТА ҚАТНАШИШ УЧУН 3000 ФУНТ СТЕРЛИНГ ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Самолётда бориш-келиш, виза олиш меҳмонхона, овқатланиш, ўқиш, сайр-саёҳатлар, таржимон хизмати бор, кеча-кундузга тўланадиган 25 фунт стерлинг ҳажмидаги суткалик пул ҳам ана шу юқоридаги 3000 фунт стерлинг ичига киради.

Барча масалалар юзасидан «БМТ ГРУП»НИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЙИЧА АГЕНТИГА Тошкент шаҳридаги 67-34-30, 67-84-50 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

РУҲИЙ МУОЛАЖА — СИЗ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ КЎПСОНЛИ ИЛТИМОСЛАРИ ВА ТАКЛИФИГА КЎРА ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА ТАКРОРИЙ РАВИШДА ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БИРИНЧИ МАРТА МАШҲУР РУҲШУНОС—ШИФОКОР, ВИННИЦА ХАЛҚ ТАБОБАТИ МАРКАЗИНИНГ ЕТАКЧИ ШИФОКОРИ

АЛЕКСАНДР ГРИГОРЬЕВИЧ ОВСЯНЮК

ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИ ТУРКУМИНИ УТКАЗАДИ

Унинг ищ фаолияти ва беморларни даволаш услуби ҳақида марказий матбуот саҳифаларида ва марказий телевидение орқали бир неча бор батафсил ҳикоя қилинган. Мана, 1989 йилнинг ноябрь ойидан буён Бутуниттифоқ радиосининг I-программаси орқали «Мусиқа ва руҳий муолажа» дастурида мунтазам равишда бериб келинаётган сеанслар кенг эътибор қозонмоқда. Шунингдек, Марказий телевиденининг I-программасида «120 минут»да намойиш қилинаётган «Саломатлигингизга бағишланган 10 минут» рукни ҳам кўпчилликка манзур бўлмоқда.

Унинг аллергияга хос таъсирларни бартараф этиш соҳасидаги услубиёти мамлакатимиз ташқарисида ҳам улкан қизиқиш уйғотди. Моссовет номидаги киноконцерт залида қарийб 2 йилдан бери ўтказилаётган соғломлаштириш сеанслари москваликлар орасида айниқса машҳур.

Бу сеансларда иштироқ этганларнинг эътироф этишича, уларнинг кўпчилиги дудқанишнинг оғир кўринишлари, ҳафақон, томирларнинг варикоз кенгайиши, қандли диабет, ҳар хил неврозлар, бронхиал астма, юрак-қон томир касалликлари, ошқозон яралари, буйрак хасталиклари, ёғ босиш, пешобни тута билмаслик ва бошқа касалликлардан фориғ бўлганлар.

А. Г. Овсянюк ўзининг янги ишлаб чиққан услубиёти бўйича узоқни ва яқинни яхши кўра билмасликдан азобланиб юрган кўплаб беморларнинг кўриш қувватини тиклашга муваффақ бўлади. Биринчи сеансдаёқ оғриқлар ва аллергияга хос таъсиротлар барҳам топмоқда.

Агар Сиз хасталикларга қарши кўрашда организмингизнинг ноёб имкониятларини ишга солмоқчи бўлсангиз, Сизни руҳшунос-шифокор Александр Григорьевич Овсянюкнинг даволаш-соғломлаштириш сеансларида кутамиз.

СЕАНСЛАР 19 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА; 20, 21 АПРЕЛЬ СОАТ 14.00 ДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Чипталар Тошкент давлат цирки кассаларида сотилмоқда.

Телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-18-11, 44-35-84.

ШИЗОФРЕНИЯ, ТУТҚАНОҚ, АҚЛИЙ, ЗАИФЛИК БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАР, ШУНИНГДЕК, МАСТ КИШИЛАРНИНГ СЕАНСЛАРГА ҚАТНАШИШИ ТАҚИҚЛАНАДИ.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг сеансларга кириши мумкин эмас.

1991 ЙИЛНИНГ 12 АПРЕЛИДАН 19 АПРЕЛИГАЧА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг

ҚЎРГАЗМА ПАВИЛЬОНЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

«ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ АППАРАТУРАСИ ТИББИЁТДА» — «МЕДАППАРАТУРА-91»

мавзуида

ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМАНИ УТКАЗАДИЛАР

Кўргазмада Австрия, Англия, Ҳиндистон, Италия, Испания, Польша, Германия, Швеция, Швейцария, Япония ва СССРдаги етакчи фирмаларда ишлаб чиқарилган ташхис қўйиш, рентген, стоматология, физиотерапия асбоб-ускуналари, тиббиёт асбоблари ва бошқа аппаратуралар намойиш этилади.

Кўргазма ҳар куни соат 10 дан 18 гача ишлайди.
Таклифномалар билан кирилади.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 39-11-87, 39-11-17, 39-11-88.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИРЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

17 АПРЕЛЬ СОАТ 16.00 ДА

422-аудиторияда

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг юқори синф ўқувчилари учун

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАН

ОЛИМПИАДА УТКАЗАДИ

ОЛИМПИАДА ҚАТНАШЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ ДИКТАНТ ВА БАЁН МАТНЛАРИ ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ.

Ҳоҳловчилар билан касбга йўналтириш ва мутахассисликни танлаш бўйича суҳбат ўтказилади.

Манзилимиз, Тошкент шаҳри, Л-45, Мудофаа кўчаси, 1-уй (25, 40, 55, 61, 66, 161-автобуслар; 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт олий билимгоҳи» бекати).

РЕСПУБЛИКА МОДАЛАР ТЕАТРИ

Модалар марказидаги етакчи модельерларнинг «БАҲОР-ЁЗ» мавсуми муаллифлик тўпламлари намойиш этиладиган

«БАҲОРИЙ СИЛУЭТЛАР»

ЯНГИ СПЕКТАКЛИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Спектакль ниҳоясида тўпламлардаги ягона нусхадаги моделларнинг ким ошди савдоси ўтказилади.

СПЕКТАКЛЛАР 12, 13, 19, 20, 26, 27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 18.00 ДА БЎЛАДИ.

56-05-25 телефони орқали оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Чипталар республика тикувчилик саноат ассортимент ва модалар маркази қошидаги дўкон-салон кассасида қуйидаги манзилда сотилади: Тошкент шаҳри, Саперлар кўчаси, 25-уй (7, 9, 10-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси) бекати).

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ «ЁШЛАР УЙИ» ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ЭШИТТИРИШЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ҲАМКОРЛИКДА

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

18—20 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА, 19 АПРЕЛЬ СОАТ 16 ВА 19.00 ДА

Ўзбекистон ССР халқ артисти БОТИР ЗОКИРОВ номидаги ёш эстрада хонандаларнинг

ЖУМҲУРИЯТ КЎРИК-ТАНЛОВИНИ УТКАЗАДИЛАР

СИЗ БУНДА ЎЗИНГИЗ УЧУН ЯНГИ ЭСТРАДА ЮЛДУЗИНИ КАШФ ЭТАСИЗ.

21 апрель соат 16 ва 19.00 да эса танлов ғолиблари ва совриндорларининг Юлдуз Усмонова, «Ялла» хизмат кўрсатган камер-чолғу ансамбли, «Осиё овози» танловининг олий совриндори «Қарс» ансамбли ва бошқа танлов меҳмонлари билан биргаликдаги катта ҳисобот танловлари эътиборингизга ҳавола қилинади.

ЧИПТАЛАР САРОЙ КАССАЛАРИДА СОАТ 11 ДАН БОШЛАБ СОТИЛМОҚДА.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 39-42-68, 39-46-09.

Томошаларга шошилинг, азизлар!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

12—14 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА «ЭСКИ ПРИМУС» ПОП-ГУРУҲИ ВА «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» ЭРОТИК-ШОУ ГУРУҲИ

ДАСТУРДА: хит-парад совриндорлари, телевизион шоу-программаларининг қатнашчилари,

«МЕНИ ҲАЙДАМА», «БАРДАГИ ҚИЗЧА», «МЕТРО. НИНГ ИККИ БЕКАТИ» ва бошқа оммавий қўшиқларнинг ижрочилари қатнашадилар.

Раҳбар — АЛЕКСАНДР БОНДАРЬ.

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/IVда **Оловли фаришта**, 12/IVда **Корсар**, 13/IVда **Кармен**, 14/IVда **Этик-кийган мушук** (12.00), **Уйқудаги гўзал** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—11/IVда **Зебуннисо**, 12/IVда **Жар**, 13/IVда **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА—11/IVда **Кампир кетармиш**, 12/IVда **Кулги ва шодлик кечаси**, 13/IVда **Кулги ва шодлик кечаси**, 14/IVда **Гул ва Наврўз.**

КИНО

11 АПРЕЛДА

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи — «ХОТИНБОЗ» (17.00, 19.00, 20.30, катта зал).

«ТЕМИР ЭРКАК» (18.00, 19.30, кичик зал).

Чайка — «ТЕНТАКЛАР ЖУМА КУНИ ЎЛАДИЛАР» (17.00, 19.00, 20.30).

Тошсоветнинг 50 йиллиги номли — «ЭЛЬВИРА ЗУЛМАТ ҲОКИМИ» (17.00, 19.00, 21.00).

Восток — «ЯНА БИР АЛОҚА» (18.30, 20.40).

БЛКЁИ 30 йиллиги номли — «ЯНА БИР АЛОҚА» (17.00, 20.00).

Москва — «САМОВИЙ ЖАНГЛАР» (18.20, 20.00).

12 АПРЕЛДА

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи — «ХОТИНБОЗ» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.30, катта зал).

«ТЕМИР ЭРКАК» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30, кичик зал).

Чайка — «ТЕНТАКЛАР ЖУМА КУНИ ЎЛАДИЛАР» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.30).

Тошсоветнинг 50 йиллиги номли — «ЭЛЬВИРА ЗУЛМАТ ҲОКИМИ» (9.30, 11.00, 13.30, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00).

Восток — «ЯНА БИР АЛОҚА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40).

БЛКЁИ 30 йиллиги номли — «ЯНА БИР АЛОҚА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Москва — «САМОВИЙ ЖАНГЛАР» (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.40).

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси касаба уюшмасининг йўқолган

«ДУМАЛОҚ МУҲРИ»

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Фрунзе ноҳиясидаги 127-ўрта мактаб томонидан **Худайназарова Сайёра** номига берилган А776767 номерли йўқолган 8-синфни тугатганлиги тўғрисидаги

ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов ноҳиясидаги 245-ўрта мактаб томонидан **Максудов Анвар Аскарович** номига берилган 300534 номерли йўқолган

ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 230-ўрта мактаб томонидан **Ориповнинг Мухсиддин Жўрабоевич** номига берилган 254010 номерли йўқолган

ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 131-ўрта мактаб томонидан **Хамдамова Дилором Ташкенбаевна** номига берилган Д 516064 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Куйбишев район улгуржи-чакана мева-сабзавот ва ёрасига қарашли 11-дўкон мудири Қ. Х. Қурбоновга отаси

Ҳусниддин ҚУРБОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

84.997 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма 5209. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.